



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Ўзгидромет Бош директори,  
Ҳайъат раиси  
Ш.Х. Ҳабибуллаев  
2021 йил “\_9\_” сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг  
кенгайтирилган ҳайъат йиғилишининг  
**12-сон БАЁНИ**

2021 йил 9 сентябрь

Тошкент ш.

**Раислик қилувчи:**

Ш.Х.Ҳабибуллаев

Ўзгидромет Бош директори, ҳайъат раиси

**Қатнашдилар:**

И.Каримов, Ф.Сафаров,  
Д. Тургунов М.Фарзидинов,  
З.Алиева

Ўзгидромет вақтингчалик ҳайъати аъзолари

Ўзгидромет марказий аппарат бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар гидрометеорология бошқарма бошлиқлари, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳамда “Метеоинфоком” ДМ раҳбарлари.

**КУН ТАРТИБИ:**

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирликлар, давлат қўймиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 26 июлдаги 12/1-1915-сон топшириғи ижросини ташкил этиш тўғрисида. (Ш. Ҳабибуллаев)

II. Баҳолашнинг асосий мезонларидан келиб чиқиб, Бош директор ўринбосарларининг 2021 йил II ярим йиллиги учун фаолият самарадорлигининг кўрсаткичларини қайта ишлаб чиқиши ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминлаш тўғрисида. (М. Фарзидинов)

III. Бош директор ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой оммавий ахборот воситалари, шу жумладан теле ва радио каналлар орқали ахборот берилишини ташкил этиш тўғрисида. (М. Асилходжаева, Ф. Болтабоев)

Кун тартибидаги масалалар бўйича берилган маълумотлар ва билдирилган фикр мулоҳазалар мухокамаси асосида Ҳайъат қарор қиласи:

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вазирликлар, давлат қўймиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 26 июлдаги 12/1-1915-сон топшириғи ижросини ташкил этиш тўғрисида.

1. Ўзгидромет марказий аппарати, худудий бошқармалари ва таркибий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 26 июлдаги 12/1-1915-сон топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5189-сон ва 24 августдаги ПҚ-5230-сон қарорлари ижроси юзасидан 2021 йил 8 сентябрда йўлланган 12/1-1915-сон ахборот хатида кўрсатиб ўтилган камчиликлар тўлиқ бартараф этилиши таъминлансан.

2. Бош директор ўринбосарлари (Каримов, Сафаров):

шахсий масъулият ва жавобгарликни ошириш, фаолият самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари орқали янги тизимни жорий этилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан ҳамда Бош директор томонидан юклатилган вазифаларни бажаришда сусткашликка, сансалорликка йўл қўйиб бўлмаслиги;

бириктирилган бошқарма, бўлим ва таркибий тузилмалар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида шахсан жавобгарлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдор эканликги алоҳида эътиборга олинсан.

Бириктирилган бошқарма, бўлим ва таркибий тузилмалар фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари статистик ва идоравий ҳисоботлар ҳамда таҳлилий маълумотлар асосида тизимли ишларни ташкил этсинлар, шунингдек, мониторинг қилиниши таъминлансан.

3. Ҳайъат котиби (Исҳакова):

Бош директор ўринбосарларига бириктирилган бошқарма, бўлим ва таркибий тузилмалар фаолияти мониторинг натижалари асосида танқидий таҳлил қилиниб Ҳайъат йиғилишларида ҳар чорак якуни бўйича муҳокама қилиб борилсан;

баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида Бош директор ўринбосарлари фаолиятига баҳо бериш орқали уларни рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чоралари кўриш бўйича таклифлар киритсан;

**II. Ўзгидромет Бош директор ўринбосарларининг Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисидаги” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарори билан тасдиқланган асосий мезонларга мувофиқ қайта ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси О.М. Умаров билан келишилган 2021 йил II ярим йиллигига фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари иловага мувофиқ тасдиқланишини таъминлаш тўғрисида.**

(Ҳабибуллаев, Каримов, Сафаров, Фарзидинов ва ҳайъат аъзолари,... Ҳабибуллаев)

4. Бош директор ўринбосарларининг Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти

**самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тӯғрисидаги” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарори билан тасдиқланган асосий мезонларга мувофиқ қайта ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси О.М. Умаров билан келишилган 2021 йил II ярим йиллигига фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишни баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

5. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими (Фарзидинов) ҳар йил якуни бўйича кейинги йилнинг 10 январига қадар белгиланган тартибда тасдиқланган баҳолашнинг асосий мезонларига мувофиқ ва ижро интизомининг холати юзасидан баҳо беришни назарда тутган ҳолда Бош директор ўринbosарлари фаолияти кўрсаткичлари ишлаб чиқилсин ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Вазирлар Маҳкамасининг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи билан келишилган ҳолда тасдиқланиши таъминлансан;

Бош директор ўринbosарлари фаолияти ҳар чорак якуни бўйича Ҳайъат йиғилишида танқидий муҳокама қилинсин ҳамда баҳолансин. Бунда, раҳбар ўринbosарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси 70 фоиздан кам таъминланганда – “қониқарсиз”, 71 фоиздан 90 фоизгacha – “қониқарли”, 91 фоиздан 99 фоизгacha – “яхши” ҳамда 100 фоиз ва ундан юқори бўлганда “аъло”, деб баҳолансин;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 5 санасига қадар Ҳайъат томонидан Бош директор ўринbosарлари масъулияти юзасидан таклифлар тайёрлансан ҳамда таҳлилий материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Вазирлар Маҳкамасининг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғига киритиб борилсан.

**III. Бош директор ўринbosарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой оммавий ахборот воситалари, шу жумладан теле ва радио каналлар орқали ахборот берилишини ташкил этиш тӯғрисида.**

(Ҳабибуллаев, Каримов, Сафаров, Асилходжаева, Болтабоев  
ва ҳайъат аъзолари,... Ҳабибуллаев)

6. Ахборот хизмати (Асилходжаева), “Метеоинфоком” ДМ (Болтабоев):

Бош директор ўринbosарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой оммавий ахборот воситалари, шу жумладан теле ва радио каналлар орқали ахборот берилишини ташкил этсин.

7. Бош директор ўринbosарлари фаолият кўрсаткичларини баҳолашнинг асосий мезонларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Вазирлар Маҳкамасининг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи билан келишган ҳолда уларнинг ойлик шахсий иш режалари Бош директор томонидан тасдиқлансин.

**Котиб МБИвАИИБ 1-тоифали муҳандис**

**Д. Исҳакова**

**Келишилди:**

**Бош директор ўринbosари**

**И. Каримов**

**Бош директор ўринbosари**

**Ф. Сафаров**

**Ўзгидромет**  
**Ҳайъат йиғилишининг**  
**2021 йил 9 сентябрдаги**  
**12-сон баёнига**  
**илова**

**Гидрометеорология хизмати маркази Бош директор ўринбосарларининг фаолият самарадорлигини ҳамда  
 мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг  
 АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИ**

Т/р	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	шу жумладан:									
			I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		Йиллик	
			режа	%	режа	%	режа	%	режа	%	режа	%
<b>Бош директор ўринбосари (атроф мұхит мониторингі ва метеорологик масалалар бўйича)</b>												
1.	Автоматлаштирилган метеорологик станциялар тизимини кенгайтириш.	та	-		-		66		72		72	
2.	Автоматлаштирилган қор кўчки станциялари ўрнатиш.	та	-		-		-		2		2	
3.	Агрометеорология станцияларни автоматлаштириш.	та	-		-		6		12		12	
4.	Метеорологик кузатув тармоғини кенгайтириш орқали об-ҳаво прогнозларини яхшилаш.	та	-		-		77		80		80	
5.	Соҳа бўйича кўрсатилаётган пуллик хизматлар ҳажмини орттириш, жумладан авиацияяга метеорологик хизмат кўрсатишни тўлиқ Ўзгидромет тизимига ўтказиш.	млрд. сўм	0,6	114,3	0,6	205,6	1,3		1,0		3,5	
6.	«Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросининг таъминланиши.	та	-		5	100	10		8		23	

Т/р	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	шу жумладан:									
			I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		Йиллик	
			режса	%	режса	%	режса	%	режса	%	режса	%
<b>Бош директор ўринбосари (Молия-хўжалик ва инфратузилма масалалари бўйича)</b>												
1.	“O’zaeronavigatsiya” маркази давлат унитар корхонасига тегишли автоматик авиация метеорология станцияларини Ўзидромет тасарруфига қабул қилиш.	та	-		-		5		8		13	
2.	Гидрометеорологик кузатув тармоқларининг инфратузилма объектларини яхшилаш	млрд. сўм	0,4	90	1,0	100	4,0		11,0		11,0	
		та	-		3	66	10		30		30	
3.	Шторм огоҳлантиришларининг оқланиш даражаси	фоиз	90	100	91	100	92		93		93	
4.	Турли барвактлиқдаги об-ҳаво прогнозларининг ишонччилиги: суткалик 2-3 суткага 4-5 суткага	фоиз	90	100	91	100	92		93		93	
			88		89	95	90		91		91	
			87		88	95	89		89		89	
5.	Соҳа ходимларининг малака ва қўнималарини ошириш.	нафар	175	100	225	95	250		280		280	
6.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифалар ижросини таъминланиши.	та	-		2	100	8		13		23	

**Изоҳ:** ҳар бир чорак якунлари бўйича ўтказиладиган Ҳайъат йигилишларида директор ўринбосари томонидан КРІ кўрсаткичларини амалга оширилиши юзасидан алоҳида ҳисбот берилади ва кўрсаткичларни бажарилиши баҳоланади.

Бунда Бош директор ўринбосари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси 70 фоиздан кам таъминланганда - «қониқарсиз», 71 фоиздан 90 фоизгача - «қониқарли», 91 фоиздан 99 фоизгача - «яхши» ҳамда 100 фоиз ва ундан юкори бўлганда «аъло» деб баҳоланади;